

14. The medial horn and capsulopalpebral fascia in the medial canthus are significant antagonists of the orbicularis oculi muscle for lacrimal drainage / H. Kakizaki et al. // Ophthalmologics 2004. - Vol. 218. - P.419-423.

15. The role of lacrimal intubation in the management of facial trauma and tumor resection / H.M. Spinelli et al. // Plast. Reconstr. Surg. 2005. - Vol. 115. -P.1871-1876.

Поступила 10.03. 2019

УДК 616.316-008.8-002-053.5-07

МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА АРАЛАШ СҮЛАК ЭЛЕМЕНТ ТАРКИБИННИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Гаффаров С.А.¹, Олимов С.Ш.¹, Saidov A.A.²

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти¹,
Бухоро давлат тиббиёт институти².

✓ Резюме,

Оғиз бўшлиғига суюқлигининг элементлари таркибини ўрганиш, болалар ва ўсмирларнинг тиш-жаг аномалияларида функционал ва метаболик бузилишларнинг интенсив намоён бўлишида адекват кўрсаткичлардан бири бўлиб, оғиз суюқлигига темир, кальция ва калия миқдорининг ошиши ҳамда магний миқдорининг камайиши ҳисобига диагностика ва прогностик мабъумотлар асоси бўлиши мумкин. Тиш-жаг аномалиялари мавжуд мактаб болаларининг қўзғатилмаган оғиз бўшлиғига созиларни даражада темир моддасини экскрециясини ошиши ва магний миқдорини камайиши, оғиз бўшлиғига оксидатив стрессни активлаштиради ва бу аралаш сўлакдаги макроэлементлар дисбалансини тезлашишига олиб келувчи сабаблардан бири бўлиб, бу эса иммунопатологик ҳолатга олиб келувчи мойилликнинг шакилланишига сабаб бўлади.

Калим сўзлар: тиш-жаг аномалиялари, қўзғатилмаган оғиз бўшлиғига суюқлиги, аралаш сўлак, макроэлемент, микроэлемент таркиби, мактаб болалари.

ОСОБЕННОСТИ ЭЛЕМЕНТНОГО СОСТАВА СМЕШАННОЙ СЛЮНЫ У ШКОЛЬНИКОВ

Гаффаров С.А.¹, Олимов С.Ш.¹, Saidov A.A.²

Ташкентский институт усовершенствование врачей¹,
Бухарский государственный медицинский институт².

✓ Резюме,

Изучение содержания элементного состава в нестимулированной ротовой жидкости показали, что адекватным показателем, отражающим интенсивность функциональных и метаболических нарушений при зубочелюстных аномалиях у детей и подростков, является увеличение уровня железо, кальция и калия в ротовой жидкости, а также снижение уровня магния. У детей с зубочелюстными аномалиями за счёт достоверного повышения экскреции железа и снижения содержания магния в нестимулированной ротовой жидкости активизируют процессы оксидативного стресса в ротовой полости, что является одним из причин усиления макроэлементного дисбаланса в смешанной слюне, формируя тем самым предрасположенность их к иммунопатологическим состояниям.

Ключевые слова: зубочелюстных аномалии, нестимулированной ротовой жидкости, смешанной слюны, макроэлемент, микроэлементный состав, школьники.

FEATURES OF TRACE ELEMENT COMPOSITION OF MIXED SALIVA IN SCHOOLCHILDREN

Gafforov S.A.¹, Olimov S.Sh.¹, Saidov A.A.²

Tashkent Institute of Postgraduate Medical Education¹
Bukhara State Medical Institute².

✓ Resume,

An adequate indicator reflecting an intensity of functional and metabolic disorders in dentoalveolar anomalies at children and adolescents is an increase of iron level, calcium and potassium in oral liquid, as well as a decrease of magnesium level that was showed at study results of the trace element composition in unstimulated oral liquid. Oxidative stress in the oral cavity is activated, that it is one of the reasons for strengthening of macronutrient imbalance in mixed saliva, forming thereby aptitude of them to immunopathological conditions at children with dentoalveolar anomalies, due to a significant increase of iron excretion and a decrease of the magnesium content in the unstimulated oral liquid.

Keywords: dentoalveolar anomalies, unstimulated oral liquid, mixed saliva, macronutrients, trace element composition, schoolchildren.

Долзарблиги

Xозирги кунда Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Ер кураси аҳолиси орасида кузатилётган касалликлар номенклатурасида қатор ўзгаришларни; жумладан янги турдаги касалликларнинг

аниқланиши, касалликлар клиникасидаги симтоматик номутаносибликлар ёки янгича этиоомилларнинг асоратидан организм ҳимоя тизимидағи ўзгаришларни санаб ўтишимиз мумкин [5]. Шу нуқтаи-назардан Республика Президенти ва ҳукуматимиз томонидан аҳоли соглигини сақлаш тизимида таълуқли қабул

қилинаётган фармон ва қарорлар касалликларни эрта ташхислаш, даволаш самарасини ошириш, касалликларга олиб келувчи омилларни бартараф этиш, айниқса ёш болалар орасида касалликларни камайтириш мақсадида оналар орасида ҳомиладорлик босқичидан бошлиб профилактика чораларини ишлаб чиқиб амалиётга тадбиқ этилишига кенг ургу берилмоқда [8].

Болалар орасида касалликларни олдини олиш, ўсиб келаётган ёш авлодни турмуш тарзини сифати соғлом жамият яратилишининг гаровидир. Айниқса болалар орасида оғиз бўшлиги тўқима ва аъзолари касалликларини эрта аниқлаш, кутилиши мумкин бўлган касалликларни ўз вақтида башоратлаш, ташхислаш самарадорлигини ошириш, организмда кузатилаётган соматик патологияларни аниқлаш, тиш-жаг тизими функционал бузилишига олиб келиши мумкин бўлган жараённи бартараф қилиш ёки аксинча тиш-жаг тизимининг функционал патологиялари сабабчи бўлиши мумкин бўлган умумий касалликларни олдини олишга қаратилган қатор илмий-амалий асосланган нашрларни учратишимиз мумкин [1,2,3,4].

Сўнгти йилларда олиб борилган изланишлар тиш-жаг аномалияларидаги морбофункционал ўзгаришларига нафақат танадаги умумий касалликлар ёки экологик салбий омиллар балки, оғиз бўшлиги микробиоценозидаги ўзгаришлар, гомеостатик мувозанатни бузилишига ва айнан макро-микроэлемент кўрсатичига таъсирини ҳам сабаб бўлишини кўрсатмокда [5, 6].

Хозирги кунда олиб борилаётган илмий изланишлар натижалари тасдиқлашича болалар ва ўсмиirlар орасида оғиз бўшлиги тўқималари: тиш қаттиқ тўқимасининг кариес ва кариесиз жароҳатлари, пародонт касалликлари, оғиз бўшлиги шиллиқ қавати касалликлари ва тиш-жаг соҳасидаги туфма ва орттирилган аномалияларидаги сони кескин ошиб бормоқда [4,7].

Хозирги кунда замонавий илмий ёндашувлар болаларнинг тиш-жаг тизими ҳолати уларнинг соматик соғломликнинг индикатор сифати кўрсатичи деб қаралади, яъни болаларда ҳар хил соғлигини ўзгаришлари билан кечадиган стоматологик статуснинг ўзгариши: танадаги макроорганизмларда, метаболик, гемодинамик, иммунологик, нейрорегулятор бузилишлар ва микробиоценоз ўзгаришларда акс этади [6].

Шу нуқтаи назардан тиш-жаг тизими аномалиялари мавжуд мактаб ёшидаги болаларда биосубстратлар биокимёвий таркибини ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади - тиш-жаг тизими аномалиялари мавжуд мактаб ёшидаги болаларнинг аралаш сўлуги таркибий қисмини ўзига хослигини ўрганиш.

Тадқиқот усули ва материали

Тиш-жаг аномалиялари мавжуд бўлган 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган 18 нафар соғлом болада ва тиш жаг тизими нуқсонлари мавжуд бўлган 64 нафар болаларда оғиз бўшлиги суюқлиги таркибида - Ca, Fe, K, Mg миқдорини аниқланди. Бу мақсадда тиш-жаг аномалиялари бор барча беморлар клиник текширувни ўз ичига оладиган кўрикдан ўтказилиб анамнез йигилди ва аномалияларни Энгль таснифи бўйича ташхислайдик. Шунингдек барча ўсмир ва болаларда юз ва бошнинг антропометрик текшируви ва жагнинг диагностик моделларини таҳлили ўтказилди.

Тишлар ўлчамининг ўзоро мослиги ва тиш қаторларини кенглиги Pont бўйича, сагиталь ўзгаришлар Korkhaus усули бўйича, тиш ёйи сегменти ўзоро му-

носабати ва тиш қаторлари шакли ва муносабати Gerlach бўйича ўрганилди, тиш қаторидан ташқари тишларнинг сагиттал, трансверсал ва верикал текисликдаги ҳолати баҳоланди. Қўшимча рентгенологик усууллар -ортопантомография, телерентгенография, оғиз ичи контакт рентгенография текширишлардан фойдаланилди. Бошнинг ён телерентгенографаси таҳлили Шварца усулида олиб борилди.

Ҳар бир текширилувчидан оғиз бўшлиги суюқлигини таркибий қисмидаги ҳеч қандай моддалар билан ишлов берилмаган вақтдаги - Ca, Fe, K, Mg миқдорини ўрганиш учун сўлак йигиши поликлиникада эрталаб соат 8 дан то 9 гача оч қоринда олиб борилди. Барча гуруҳдаги текширилувчи беморларни тишлари олдиндан сифати тозаланди ва беморлардан сўлак ажralишини қўзгайдиган муолажалар олиб борилласлиги тўғрисида тушинтирилди. Элемент таркибини ўрганиш жараённида 0,9 мл оғиз бўшлиги суюқлиги қўзгатилмаган қисми бевосита оғиз бўшлигидан йиги-либ аралаш сўлак 8000 об/мин тезлиқда 15 дақиқа центрифугаланди. Оғиз бўшлиги суюқлигининг қўзгатилмаган қисмидан ҳосил бўлган чўкмаси маҳсус пребиркага қўйилиб 30 °C ҳароратда сақланди.

Оғиз бўшлиги суюқлигини қўзгатилмаган қисми элементлар таркибини ўрганиш "БиоХимМак" (Россия) фирмасининг коммерция наборлари реактивлари ёрдамида автоматик биохимиявий анализаторда амалга оширилди.


Олинган тадқиқот натижалари "Microsoft Excel XP", "Statistica 6.0" дастурида статистик ишлов берилди, Стыюент меъзонида ҳисобланди, фарқлар орасидаги ҳақонийлик коэффициенти корелляцион таҳлил қилинди ва фарқлар орасидаги $p < 0,05$ эътиборга олинди.

Натижва мухокама

Оғиз суюқлигидаги Ca, Fe, K, Mg каби элементлар тўқималар ҳаёт фаолиятида муҳим вазифаларни бажаришда фаол қатнашади, айни элементлар миқдори нафақат бутун танадаги меъёрий ҳаётий жараёнларида, шунингдек болалик ва ўсмирлик даврида тиш-жаг тизими тўқималарининг тўғри ривожланиши учун ҳам муҳим аҳамиятга эга, шундай экан оғиз бўшлиги, тиш қаттиқ тўқимаси, жаг сүяқ-мушак аъзоларида барча патофизиологик жараёнлардаги ўрнини янада чукурроқ ўрганиш зарурлигидан далолат беради.

Текширилган мактаб болалари оғиз бўшлиги суюқлиги микроэлемент таркибини ўрганиш натижалар шуну кўрсатади, тиш-жаг аномалиялари мавжуд текширилган мактаб болалари сўлагида K элементи ионлари миқдори ўртacha 1,9 марта ошган. Оғиз бўшлиги суюқлигига қўзгатилмаган Ca элементи ионларининг ошиши тиш-жаг тизимининг элементга юқори эҳтиёжидан далолат беради, чунки Ca ионларининг сўлакдаги концентрацияси қондаги Ca концентрациясига боғлиқ (1-расм). Худди шундай ўхаш ўсиш сурати нисбатан K ионларига ҳам кузатилиб, оғиз бўшлиги суюқлигидаги қўзгатилмаган концентрацияси ўртacha 1,6 марта ошади. Бу ҳолатни тиш-жаг тизими ва оғиз бўшлиги шиллиқ қавати калий ионларига нисбатан эҳтиёжи ошиши билан сўлак безлари калий ионларини сўлакга секрециясини ошириши билан изоҳлаш мумкин.

Хужайра метаболити бўлган Mg ионлари назорат гуруҳи билан таққослаганди ўртacha 36% га пасайиши



1-расм. Тиш-жаг аномалиялари мавжуд беморларнинг оғиз бўшлиғи суюқлиги қўзгатилмаган элементлари таркиби (мл.моль/л)

кузатилиади. Холатни Mg ионларининг оғиз бўшлиғи суюқлигидаги бундай ўзгариши, унинг қондаги паст концентрацияси билан боғлик бўлишлиги ва натижада нерв ҳужайраларидаги метаболик жараёнларнинг бузилишига олиб келиши билан изоҳлаш мумкин.

Милк яллигланишининг келиб чиқишида микробиогеномларнинг муҳим ўрин эгаллаши клиник асосланган бўлиб, айнан тиш қараши, тиш-милк чўнтағи суюқлиги ва сўлакдада учрайдиган стафилакоккларнинг яшаши учун айнан Fe элементи ионлари зарурдир. Бизнинг тадқиқотларимизда кузатилган Fe элементи ионлари ошиши, лактоферриннинг бактериостатик фаолияти, лейкоцитларнинг хемотаксис ва фагоцитоз жараёни, макрофагларнинг фагоцитоз жараёни, лимбоцитларнинг трансформацияси, антитела ва унинг комплементлари бактерицид фаолиятини ингибиторлаши билан изоҳлашимиз мумкин. Полиморф ядроли лейкоцитлар таъсирида келиб чиқадиган стафилококкларнинг ўлими гемоглобин ёки каталаза билан эмас, балки эркин Fe орқали ингибиранади. Бундан ташқари аралаш сўлак таркибига эритроцитлар тушиб парчаланиши оқибатида оқсилга боғланмаган Fe ажралади ва бу муҳитда Fe нинг умумий даражасини ошишига олиб келади. Эҳтимол тиш-жаг аномалиялари мавжуд мактаб болаларининг оғиз бўшлиғи суюқлигига қўзгатилмаган Fe концентрациясининг сезиларли даражада ошиши, оксидатив стресс интенсивигидан далолат бериб, бир томондан кислород етишмовчилиги оқибатида компенсатор реакция намоён бўлса, бошқа томондан оғиз бўшлиғи микрофлораларининг прогрессив ўсиши ва яллигла-

ниш жараёнларини тарқалишига сабаб бўлади деган холосани қилишимиз мумкин.

Хулоса

Шундай қилиб, болалар ва ўсмирларнинг тиш-жаг аномалияларида функционал ва метаболик бузилишларнинг интенсив намоён бўлишида адекват кўрсаткич бўлиб, оғиз суюқлигига Ca, Fe, K миқдорининг ошиши ҳамда Mg миқдорининг камайишидир. Тиш-жаг аномалиялари мавжуд мактаб болаларининг оғиз суюқлигига сезиларли даражада Fe моддасини экскрециясини ошиши ва магний миқдорини камайиши, оғиз бўшлиғига оксидатив стрессни фаоллаштиради ва бу аралаш сўлакдаги макроэлементлар дисбалансини тезлашишига олиб келувчи сабаблардан бири бўлиб, иммунопатологик ҳолатга олиб келувчи мойилликнинг шаклланишига сабаб бўлади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Доменюк Д.А., Дмитриенко С.В., Ведешина Э.Г., Чижикова Т.С., Огонян Е.А., Чижикова Т.В. Оценка степени тяжести зубочелюстных аномалий по показателям биоэлементного состава слюны //Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. - 2016. - № 1-2. - С. 153-157;
2. Еричев И. В., Старченко Т. П. - Некоторые биохимические параметры слюнной секреции у здоровых лиц //Сб. науч. трудов "Актуальные вопросы стоматологии". - Ростов-на-Дону, 2002. - С. 49-50.
3. Еричев И. В., Захаркин А.Г., Старченко В. И., Стариков С. А. - Секреторная деятельность слюнных желез у здоровых паци-

- ентов //Материалы конф., посвященной памяти проф. В. В. Паниковского. - М., 2002. - С. 41-44.
4. Короткова М. О. Проблемы и перспективы укрепления здоровья школьников на муниципальном уровне / М. О. Короткова, В. И. Чирков, Г. М. Насыбуллина // Гигиена и санитария. - 2007. -№ 3. - С. 53-57.
 5. МКБ-10 (К00-К14) 10-го пересмотра, принятой 43-ей Всемирной Ассамблеей Здравоохранения. Утвержденную Министерством здравоохранения РФ 25 мая 1998 г. N 2000/52-98.
 6. Ревуцкая Е., Бредун Т. Взаимосвязь процесса формирования зубочелюстной системы и онтогенеза ее основных функций у детей с речевыми расстройствами / Е. Ревуцкая, Т. Бредун /
- /Humanities and Social Sciences in Europe: Achievements and Perspectives. Proceedings of the 2nd International symposium. "East West" Association for Advanced Studies and Higher Education. Vienna. 2014. С. 106-112.
7. Сатыго Е. А. Система профилактики зубочелюстных аномалий и кариеса зубов у детей в период раннего смешного прикуса : /Автореф. дис. на соискание ученой степени докт. мед. наук : специальность 14.00.21 "Стоматология" / Е. А. Сатыго. - Санкт-Петербург, 2014. - 38 с.
 8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5590 сонли фармони. Тошкент 2018.

Поступила 03.03.2019

УДК: 616- 071+618.17.175

КОРРЕКЦИЯ ДЕСТРУКЦИИ СОЕДИНТЕЛЬНОЙ ТКАНИ ПРИ ЮВЕНИЛЬНОЙ ДИСМЕНОРПЕЕ

Гофурова Ш.М.

Андижанский медицинский институт.

✓ *Резюме,*

В последние годы в связи с неблагоприятными демографическими сдвигами усилился интерес к репродуктивному здоровью детей и подростков, поскольку именно с ними связана надежда на улучшение физического и репродуктивного здоровья в будущем. Известно, что подростки подвержены разнообразным неблагоприятным влияниям социального, экономического, бытового, нравственного и экологического характера Сохранение возможности реализации детородной функции в fertильном возрасте входит в число важнейших медико-социальных проблем во всех развитых странах мира.

Ключевые слова: дисменорея, соединительная ткань, подростковый возраст, магне В6.

ЮВЕНИЛ ДИСМЕНОРЕЯ ҲОЛАТЛАРИДА БИРИКТИРУВЧИ ТҮҚИМА ДЕСТРУКЦИЯСИНИ ПАТОГЕНЕТИК КОРРЕКЦИЯЛАШ

Гофурова Ш.М.

Андижон давлат тиббиёт институти.

✓ *Резюме,*

Сўнгги ийларда поқулай демографик ўзгаришлар туфайли болалар ва ўсмирларнинг репродуктив саломатлигига бўлган қизиқиши кучайди, чунки улар келажакда жисмоний ва репродуктив саломатликни яхшилашга умид қилиши мөқдада. Маълумки, ўсмирлар ижтимоий, иқтисодий, машний, ахлоий ва экологик табиатнинг турли хил салбий таъсирларига учрайди. Бу тугаш даврида тугаш имкониятини сақлаб қолиш дунёнинг барча ривожланган мамлакатларидаги энг муҳим тиббий ва ижтимоий муаммолардан биридир.

Калит сўзлар: дисменорея, биритируди түқима, ўсмирлик даври магне В6.

CORRECTION OF DECOMPOSITION OF CONNECTIVE TISSUE UNDER JUVENILE DYSMAN

Gofurova Sh.M.

Andizhan State Medical Institute.

✓ *Resume,*

In recent years, due to unfavorable demographic shifts, interest in the reproductive health of children and adolescents has increased, since it is with them that there is hope that physical and reproductive health will improve in the future. It is known that adolescents are subject to a variety of adverse effects of a social, economic, domestic, moral and environmental nature. Preserving the possibility of carrying out fertility in fertile age is among the most important medical and social problems in all developed countries of the world.

Keywords: dysmenorrhea, connective tissue, adolescence, magne B6.

Актуальность

Актуальность проблемы дисменореи обусловлена широтой ее распространенностью в популяции, частота которого достигает 5-92% [8,10]. Широкий диапазон распространенности обусловлен отсутствием стандартизованных тестов оценки степени болезненности менструации и субъективным подходом врачей [3,7,11].

Интерес к изучению дисменореи связан с высокой частотой ее встречаемости, и с ее социально-пси-

хологическим аспектом. Заболевание относится к тяжелой патологии, так как боль истощает нервную систему, способствует развитию астенического состояния, снижает память и работоспособность [10]. По мнению авторов [1,4,8], у 50% пациенток с дисменореей теряется 1-3 дня жизни ежемесячно. Большинство девушек и их родители не рассматривают дисменорею как заболевание, и не обращаются к врачу, даже если она ограничивает их качество жизни [12].

Высокая распространенность заболевания, ее медико-социальная значимость являются важным ар-

